

МИРЗАЧУЛ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

№ 95 (3833)

Жума, 17 май 1968 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ҲАР ТУП ҒЎЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИГА ҚОНСИН! ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

- БУ ЙИЛ ҲАВО САЛҚИН КЕЛИБ, ЭКИН УСИШДАН БИРМУНЧА КЕЧИКМОҚДА. ШУНИНГ УЧУН ҒЎЗАЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК, УЛАРНИНГ НОРМАЛ РИВОЖЛАНИШИГА ЭРИШАЙЛИК.
- ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ЗАРАРКУНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИ ҲАММА ЖОЙДА НАМУНАЛИ УЮШТИРАЙЛИК. БИР ТУП ҒЎЗАНИ ҲАМ ҲАШАРОТГА ОЛДИРМАЙЛИК.
- ТАЛАБ ҚИЛГАН МАЙДОНЛАРДА ҒЎЗАНИ СУҒОРИШНИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙАЙЛИК.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Республика партия активининг 16 майда бўлиб ўтган йиғилиши жиноятчиликка ва жамоат тартибидини бузишларига қарши курашни янада кучайтириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов бу ҳақда доклад қилди.

Актив йиғилишида Сирдарё область партия комитетининг иккинчи секретари П. И. Соколов, Ўзғанча шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Жабберганов, Ўзбекистон ССР прокурори Қ. Рўзметов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, Ўзбекистон ССР Жамоат тартибидини сақлаш вазирлиги Х. Х. Аҳмедов, Андижон область ички ишлар комитетининг ўринбосари Г. И. Скоробогатов, Чирчиқ элқоттириш комиссияси партия комитетининг секретари В. Д. Афонин, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси С. Х. Пулатжонбаев, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари Д. А. Абдуразақов, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари И. К. Титов, Ўзбекистон Касаба союзулари Советининг секретари А. З. Завалов, Фарғона тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари Л. Н. Натик, СССР Жамоат тартибидини сақлаш вазирлиги Н. А. Пчелюков, СССР Бош прокурори Р. А. Руденко ўртоқлар сўзладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюро аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Курбанов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразақов, М. Т. Турсунов, КПСС Марказий Комитети бўлини мудирининг ўринбосари А. А. Тютюпников, КПСС Марказий Комитети сектор мудир А. И. Иванов, СССР Олий суди раисининг ўринбосари В. В. Куликов ўртоқлар иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Яқин-яқинларгача Янгийўлдаги Собир Раҳимов номи колхоз районида қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Давлат пландари сурункасига бажарилмади, техникадан фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермас, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетган эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қолоқликка барҳам беришнинг чора-тадбирларини кўра бошлади. Бу ишда колхозчиларга меҳнатни ташкил этишдаги янгилик — звено системаси катта қўлайликлар туғдира бошлади.

Хўжаликда илгариги биғи-дашлар ўрнига комплекс механизацияланган пахтачилик звенolari ташкил этилди ва уларга тажрибали меҳнаткорлар бошчи қилиб тайинланди. Бундан ташқари, кўл меҳнатини ҳам нарядсиз усулда ташкил этиш тадбирлари қўрилди. Моддий маънавиятнинг ошириш колхоз правлениеси ва партия таш-

килотининг диққат марказида турди. Каттаюқичлик ҳар бир колхозчи ўз хўжалигини юксалтириш мақсадида жон қуйдириб меҳнат қила бошлади.

Бу тадбир ва ҳаракатлар ўз самараларини кўрсата берди. Қисқа давр ичида колхоз экономикаси сезиларли даражада юксалди, ҳосилдорлик ортди, механизация хал қилувчи роль ўйнай бошлади бўлиб қолди. Кейинги уч йил ичида ҳар гектар ердан олинадиган пахта ўртача 10 центнер ошди.

Колхознинг пахта майдонлари асосан бир ерлардан иборат. Шундай бўлишига қарамастан механизаторлар пахта теримини машиналаштириш соҳасида ҳам қўбончи ютуқларга эришмоқдалар. Агар 1961 йилда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси фанат кўл билан териб олинган бўлса, ўтган йили яъни ҳосилнинг яримдан кўпроги «эангори кема»лар билан йиғиштирилди.

Колхознинг умумий даромади ҳам кўпайиб бормоқда. Ўтган йили умумий даромади 1 миллион 188 минг сўмни, қўрилган соф фойда 244 минг сўмни, колхозчиларнинг ҳар бир иш кунига туланган ҳақ 4 сўм 56 тийини ташкил этди. Бу қувончли рақамлар колхозчиларнинг филокорона меҳнатлари раъзидир.

Ушбу доғдими? В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил курашаётган колхоз деҳқонлари бу йил катта марраларни кўзлаб иш юритмоқдалар. Уларнинг ишорлари — пахта ҳосилдорлигини ўтган йилдагига қараганда гектар бошига 5 центнер кўтариш, яъни ҳосилнинг 70 процентини «эангори кема»лар билан йиғиштириб олишдан иборат.

Маълумки бу йили об-ҳаво шароитлари анча нозик бўлмоқда. Деҳқонлар ана шундай шароитда барча майдонлардаги ғўзани соғлом ўстириш, ҳашо-ратга олдирмаслик, барвақт озиқлантириб, тезда ривожлантириш чораларини кўрмоқдалар. Айниқса 35 центнердан навра сари интилаган меҳнаткорлардан А. Шербеков, М. Қодиров, Б. Холжонов, Т. Ниевбеков ўртоқлар бошлиқ звеноларда ғўза парвариши намуна-ли бормоқда. Тажрибали сувчилардан И. Абдуғафоров, Р. Алихўжаев, Ҳ. Жиянхўжаев, О. Қўлмонов каби ўртоқлар дастлабки суғоришни ҳам бошлаб юбордилар. Суғорилаётган карталардаги ғўзалар кун сайин ишнамолда.



В. И. ЛЕНИН Мирзачўл картаси ёнида.
Л. Абдуллаев ишлаган расм.

МИРЗАЧУЛНИ СУҒОРИШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ
ҲАҚИДАГИ ЛЕНИН ДЕКРЕТИНИНГ ЭЪЛИК
ЙИЛЛИГИГА

ЛЕНИН ДАҲОСИ БИЛАН

Мирзачўл. Ўтмишда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуйган воҳа. Сув дея, сув дея тамшаниб, бағри ёниб ўртанган ўлка. Туя ўрқачи каби қум барханлари шўр қисиб қовжиратган ўт-ўланлар — мана шундай эди ўтмишда Мирзачўл башараси.

Бундан эълик йил бурун улўғ дохий В. И. Ленин Мирзачўлга сув чиқариш ва уни ўзлаштиришни кўзда тутган тарихий Декретга имзо чекди. Бу воқеа бутун ўзбек халқини қувонтирди, кўнглини севиңчларга тўлдирди.

Ўзбек халқи асрлар давомида Мирзачўлни унумли далаларга айлантиришни орзу қилиб келар эди. У бу орзусига дохий даҳоси билан рўйбга чиққан Декрет тўғрисида эришди. Мирзачўлга янги-янги оилалар кўчиб кела бошлади. Каналлар чиқариш ҳаракати йил сайин кучаяверди.

Бугунги кунда Мирзачўл ерларини Сирдарёдан чиқарилган Киров номи ва Жанубий Мирзачўл каналлари қумуш камардек боғлаб турибди. Бу каналлардан қон томчилари сингари чўл бағрига оқиб кетган катта-кичик каналлар Мирзачўл ерларини поёйсиз ва унумли пахтазорларга, боғ-роғларга айлантириб юборди. Шу кунларда Мирзачўлда бўлсангиз, қўпқаватли бинолар қад кўтарган янги совхозларнинг кўркам посёлкаларини кўриб, В. И. Ленин башорат қилган воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Мирзачўллик чўлқуварлар ҳар йили неча минглаб гектар ерларни чўл бағридан юлиб олиб, экинзорларга айлантирмоқдалар. Улар жонажон республикаимизнинг 4 миллион 100 минг тонналик улкан хирмониға муносиб ҳисса қўшиш учун фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида В. И. Ленин имзо чеккан Декретнинг эълон қилинганига 50 йил бўлди. Бу давр ичида Мирзачўл қанчалик катта оидмлар билан олағ кетган бўлса, бундан кейин ҳам ана шундай улкан қанот ёзишига шак-шубҳа йўқ.

ЛЕНИН ДЕКРЕТИГА 50 ЙИЛ

В. И. Ленин 1918 йил 17 майда Туркистон ерларини суғориш ҳақидаги тарихий Декретга имзо чеккан эди. Ана шу санаининг 50 йиллигига бағишлаб 16 майда Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрда тантанали йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Курбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразақов, М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Рансининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Г. А. Табриельяц, М. З. Мирзаахмедов, хизмат кўрсатган ирригаторлар, сув хўжалиги ветеран-

лари, домдор курувчилар ва меҳнаткорлар президиумдан жой оладилар.

Туркистондаги суғориш ишлари ҳақидаги В. И. Ленин Декретининг 50 йиллигига бағишланган тағалли йиғилишини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ранси Е. С. Насриддинов кириш сўзи билан очди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиссий Бюроси баланд руҳ билан йиғилишининг фахрий президиумига сайланади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ранси Р. Курбанов доклад қилди. У ўз докладыда Ленин Декретининг ҳаётбахш аҳамияти тўғрисида батафсил тўхталиди. (ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Тошкент кабель заводи коммунистларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақов КПСС Марказий Комитетининг апрель 1968 йил Пленуми яку-лари ҳақида доклад қилди.

Завод коммунистлари ўз нутқларида партияимизнинг Ленин Марказий Комитети ва

Совет ҳукуматининг ўтказиб келаятган ички ва ташқи сиёсатини яқинлик билан маъқуладилар ва қўллаб-қувватладилар.

Тошкент кабель заводи коммунистлари йиғилишда қабул қилган ўз қарорларида КПСС XXIII съезди қўйган вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашда бутун куч ва гайратларини сарфлаётганларини баён қилдилар.



ДЎСТЛИГИМИЗ ЙЎЛЛАРИ

Ўйинлар, мақолалар, маталлар, эртак ва достонлардан тожик ва ўзбек халқлари баббаравар баҳраманд. Улар ўз тинчликларини бузмоқчи бўлган чет эл босқинчиларига қарши бир ёнадан ботиқариб ёзма-ён туриб курашдилар. Бир дарадан сув ичдилар. Бир воқеада деҳқончилик қилдилар. Аму ва Сирдарё бўйларига хўжаликчилик ва тоғрачилик билан машғул бўладилар. Бирга ариқ қазидилар, канал ва ичишотлар барпо қилдилар. Бу интилиш ҳар икки халқ маданияти ва адабиётида ҳам ўз ифодасини топди.

Тожик наомининг отақони, «шоирлар подшоҳи» деб ном олган Абу Абдулло Рудакийнинг умр боқий лирикаси, наҳон маданиятига маълум ва машҳур бўлган Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шахнома»си, Саъдий, Хофиз ва Жомий газаллари, Бедил, Умар Хаёём ва Носир Хусравларнинг атеистик, фалсафий рубоилари ва ишърлари тожиклар қатори ўзбек китобхоналари томонидан ҳам севилиб, ардоқланиб келинди.

Буюк санъаткор Абу Али ибн Синонинг «Ал Қонун» асари ўзбеклар учун ҳам, тожиклар учун

ҳам шифо топувчи таъбаот қўлламаси бўлиб келди. Ўз замонасининг кучли энциклопедик олқимининг медицина фани соҳасидаги шоншухрати бутун Олтоқеини, Унинг мустабар «Ал Қонун»и бир неча асрлар давомида Европа ва Шарқ мамлакатларида қўлланим сифатида фойдаланиб келинди. Мана шу даврда яшатам буюк астроном-географ, геолог ва файласуф олим Абурайхон Беруний ўз асридаги Абу Али ибн Сино билан дўстона ва ижодий алоқада бўлди. Бу икки буюк олим бутун умрини ҳам тараққиётга бағишладилар. Меҳнаткаш халқ манфаатлари йўлида аум ва ҳақолатга қарши бир сарфда туриб курашдилар. Беруний ва Ибн Синоларнинг бир-бирларига ёнма-ён савол-жавоблари икки халқ фарандлари ўртасидаги улўғ дўстлиқнинг ёрқин ифодасидан гувоҳлик беради.

Ўрта Осиёда Темирйўллар давридан бошлаб маданият ва адабий ҳаётда янги жонланш юз бер бошлади. Бу даврда яшаб ижод этган ўзбек адабий тилининг асосчиси буюк шоир Алишер Навоий билан бирга маълумо Абдурахмон Жомий, Хотийрий, Осафий, Васифий, Хилолий, Виноий

каби кўпгина тожик шоирлари ҳам ижод этдилар. Айниқса, Навоий билан Жомий ўртасидаги буюк дўстлик ва мустақкам ижодий ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир.

Шеъринг мулкнинг султони, улўғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий билан маълумо Абдурахмон Жомийнинг ўртасидаги буюк дўстлик, мустақкам ижодий ҳамкорлик — тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги азаллий ва асрий дўстлиқнинг сўймас ва ибрат раъзидир.

Даврининг машҳур сиймолари ўз асарлари газалларида икки ёндош жондош халқ — ўзбек ва тожик заҳматкашларининг орзу ҳавасларини қуйладилар.

Алишер Навоий юксак мартабага эришган буюк шоир Абдурахмон Жомийни ўзига энг яқин ва устоз сифатида доимо ҳурматини жойига қўяр, янги ёган асарларини устоз назаридан ўтказар, унинг қимматли ва фойдали фикр-мулоҳазаларига амал қилар эди. Навоий ижоддагина эмас, ҳатто давлат бошлғи лавозимларида ишлаган пайтларида ҳам ўз устоз Жомий билан дўстона ижодий алоқасини узмади.

Хар икки тилда ўзбек ва форс — тожик тилларида ижод қилган Навоий — ўзининг кўпгина асарларини ўз устоз ва жонкуяр дўсти Абдурахмон Жомийга бағишладилар. Шундай асарлардан бири, Навоийнинг Жомий вафотидан кейин ўзбек тилида ёзган «Ҳамсатул-мутахаййирин» идири ва юз байтдан иборат «Тўхфатул — афкор» номили қасидасидир. Абдурахмон Жомий хотира-сини абадийлаштиришга бағиш-лаб ёзган Навоийнинг «Ҳамсатул-мутахаййирин» номили асари ўзбек ва тожик халқлари адабий алоқаларини ўрганишда қимматли манбалардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида Абдурахмон Жомий ҳам Алишер Навоийнинг юксак талантини ва фавқулодда истеъдо-дига юқори баҳо беради.

Агар Абдурахмон Жомий бир-бир янги асар ёзса биринчи навбатда ўз дўсти ва шоирдир Алишер Навоийга тақдим этар эди. Ундан керакли ислоҳ, пуқсон ва камчиликларини ҳаққоний ва холисона кўрсатиб беришини талаб қилар эди. Жомий ижодкор дўстини илҳомлантириш ниятида ўзининг «Тўхфатул-ахрор» номили достонини улға тақдим этган эди.



Ўзбек халқи билан тожик халқлари ўртасидаги азаллий, тўғма дўстлиқнинг узоқ асрий тарихи бор. Бу дўстлигимиз айниқса Октябрь инқилоби қалабасидан кейин Совет ҳокимияти йилларида янада мустақкамланди, тараққий топди.

Узоқ ўтмишда бир водийда, бир хонадонда яшаб, бир оиладек катта дастурхонга тортилган рисоқу насондан бирга баҳам кўриб келган ўзбек ва тожик халқларининг ўтмишдаги бой тарихи минг-минг йилларга бориб тақалади.

Йилгаса йилгиси, кулса кулгиси бир бўлган тожик ва ўзбек халқлари қайгули оиларни ҳам, қувончли далаларни ҳам доимо бирга ўтказишди. Улар қадимдан қуд-қудайги, бир-бирларига си-налган содиқ дўст, меҳрибон бўл-ганлар. Бу икки халқ даҳоси бил-лан яратилган жилавагар қўшиқ-лар, оромбахш мақомлари, шўх

